



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI

**Qo'qon DPI.
ILMIY
XABARLAR.**

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
Кокандский ГПИ.**



QO'QON DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI

Qo'qon DPI.

ILMIY XABARLAR.

2020- yildan nashr etiladi.

Yilda 4 marta chiqadi.

2-2021

Iyun

НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.

Кокандский ГПИ

издаётся с 2020 года

Выходит 4 раза в год

MUNDARIJA

ANIQ VA TABIIY FANLAR

MATEMATIKA, INFORMATIKA

1. **R.N.NORMATOV, M.M.ARIPOV, E.M.RASULOV**
Ta'lim muassasalari web-saytini yaratishda ziyonet axborot portalidan foydalanish..... 7
2. **A.НИЗАМОВ**
Роль шахматной игры в математике начальной школы..... 11
3. **Ш.КАРШИЕВА**
Организация самостоятельной работы студентов в виртуальной образовательной среде вуза..... 16

KIMYO, BIOLOGIYA

4. **М.Т.ИСАҒАЛИЕВ, З.Ж.ИСОМИДДИНОВ, В.Ю.ИСАҚОВ**
Пиёз (*Allium* сера L.) биогеохимёси ва биологик сингдириш коэффициенти..... 23
5. **В.У.ХУЖАЕВ, Д.Б.КАРИМОВА**
Косметика кремларининг сифатини аниқлаш ва товар номенклатураси асосида таснифлаш..... 26

IJTIMOIIY - GUMANITAR FANLAR

IQTISOD

6. **X.USTADJALILOVA, G.RADJABOVA**
Menejment tarixida o'rta asr va antik davr boshqaruvchilik g'oyalariining o'rni. 32

TARIX

7. **P.M.AXMEDOVA**
Ўзбекистонда дастлабки европача турдаги шифо масканларининг фаолияти..... 36
8. **K.AКБАРОВ**
Қўқон хонлигида Маллахон ҳукмронлиги..... 41
9. **C.I.PAХМАТУЛЛАЕВА**
Мустақиллик йиллари Ўзбекистонда кутубхоналар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари..... 45
10. **P.P.AХМЕДОВ**
XX асрнинг 20 – 30-йилларида Ўзбекистонда саводсизликни тугатиш тадбирларининг ташкил этилиши тарихидан..... 49
11. **Д.З.МИРЗАХАМДАМОВА**
Фарғона вилоятида касаначилик меҳнатига асосланган янги иш ўринлари ва турларини шакллантириш ҳақида..... 55

ADABIYOTSHUNOSLIK

12. **Д.ЗОҲИДОВА**
Эркин Воҳидовнинг “Инсон” қасидаси маснуъ асар сифатида..... 59
13. **X.ЗИЯЕВА**
Теория мифа и притчи в современной русской литературе..... 62

TILSHUNOSLIK

14. **Ш.М.Искандарова, З.Н.Маруфова**
Шарқона гўзаллик тасвирида мақоллар ва турғун бирикмаларнинг ўрни. 66
15. **И.И.РАСУЛОВ**
Сопоставление структурных особенностей фразеологического поля «человек» в русском и узбекском языках..... 70
16. **Л. С. ХУДАЙБЕРДИЕВА**
Тилнинг номинатив хусусиятлари..... 74

17. Ф.МАХМУДОВА	Хажвий асарлар тилининг лексик-морфологик, грамматик тадқиқига доир назарий-амалий масалалар.....	78
18. У.АХМЕДОВ, Х.ЭРНАЗАРОВА	Номинасия жараёнинг ҳозирги тилшуносликдаги талқини масаласи.....	84
19. Ш.НИЗАМОВА	Тахаллусларнинг вазифаси.....	88
20. А.НАЖМЕДДИНОВ	Интенционаллик категориясининг когнитив-функционал жиҳатлари.....	94
21. А.ИХТИЁРОВ	Инглиз тилида “Beauty” концептини ифодаловчи лексемаларнинг компонент таҳлили.....	100
22. Ш.К.ГУЛЯМОВА, Х.И.АХМЕДОВА	Омоним сўзларнинг лингвистик асоси, математик модели ва алгоритмлари (От ва феъл ҳамда сифат ва феъл туркуми доирасида).....	103
23. Н.КАДИРОВА	Изучение иронии в историко-функциональном освещении.....	110
24. Н.Н.КАХАРОВА	К вопросу применения информационных технологий в изучении морфонологических явлений современного русского языка.....	115
25. Sh.S.Xo'janiyazova	Alisher Navoiyning manolib asarlaridagi keyim-kechak nomlarining mavzuiy-semantic xususiyatlari	121

PEDAGOGIKA

26. Л.В. ПОЛОВИНА	Использование приемов «Кластер», «Зху» и графического органайзера «Диаграмма Венна» на занятии по фонетике современного русского языка на тему: «Слог как фонетическая единица»	125
27. I.A.MATVEEVA	Characteristic features of new teaching model – flipped classroom	130

ILMIY AXBOROT

ANIQ VA TABIIY FANLAR

KIMYO, BIOLOGIYA

28. M.AZIMOV, H.M.URMANOV, D.S.OLIMOV	Internet resurslaridagi asosiy bioinformatik ma'lumotlar bazasi.	133
--	---	-----

IJTIMOIY – GUMANITAR FANLAR

IQTISOD

29. M.U.KURBANOV	Таълим менежментининг билим соҳаси сифатида юзага келиш тарихи ва ривожланиш босқичлари.....	136
-------------------------	--	-----

TARIX

30. С.С.ХАМРАҚУЛОВ	Туркистонда совет ҳокимияти йилларида чоп этилган журналлар (1918 -1924 –йиллар).....	140
31. Ғ.О.СОТИБОЛДИЕВ	Туркистонда Бошқирдистон ваколатхоналари фаолияти.....	143
32. Г.Р.ҲИДИРОВА		146

Шайбонийлар даври Марказий Осиё топонимиясининг тадқиқотлардаги инъикоси.....	
33. М.М.ХОЛМАТОВ, А.А.АМАНОВ	
Фарғона водийсида аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш жараёни тарихидан.....	151
	Falsafa
34. М.М.ЮЛДАШЕВА, С.С.РАСУЛОВА	
Ёшларнинг муסיқий онг ва эстетик маданиятини юксалтиришнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари.....	154
35. А.Г.АЛИЖАНОВ, Ғ.У.ОТАЖОНОВ	
Илк диний тасаввурларда руҳ тушунчасининг тарихий-этнологик асослари.....	156
	Adabiyotshunoslik
36. С.Х.ХЎЖАҚУЛОВ	
XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида мусаддас жанри ва унинг эврилиш тамойиллари.	161
37. Т.А.ТОШБОЛТАЕВА	
“Мажмуаи шоирон”да ҳамд ва наътлар талқини.	167
38. М.МЕЛИБОЕВА	
“Ўғузнома” ноёб ёзма ёдгорлик сифатида	171
39. Ф.ҚУРБОНОВА	
Қиссаларда ҳайвонот оламининг бадий талқини.	174
40. R.M.KAZAKOVA	
Poetics and style of russian and english fairy tales in a comparative aspect	176
41. О.А.КНАМДАМОВ	
The history of the translation of the Uzbek historical novel “O'tkan kunlar”	181
	Tilshunoslik
42. Н.УЛУҚОВ	
“Меҳробдан чаён” романида қўлланган арабий, форсий киритмаларнинг вазифаси ва услубий хусусиятлари.	184
43. Д.ҲАСАНОВА	
Шахс социал белгиларини ифодалашда лисоний ва нолисоний воситаларнинг ўзаро ҳамкорлиги.....	187
44. M.ERGASHOVA, N.JASUROVA	
Erkin A'zam hikoyalarining badiiy til xususiyatlari	190
45. О.Қ.БЕКТОШЕВ, М.ЭРКАБОЕВА	
Инглиз тилидаги матнларда ўқишнинг нутқий фаолиятнинг мустақил тури сифатида воқеланиши.	193
46. D.T.ARZIEVA	
Language is a mirror of culture.....	197
47. D.A.TO'RAYEVA	
Shaxsiy yozishmalarda qo'llangan noadabiy leksik unsurlarning hududiy xususiyatlari	200
48. Z. M.TUKHTASINOVA	
The peculiarities of Russian borrowed words in the Uzbek language.....	203
49. А.А.ЛУТФУЛЛИНА	
Топонимы в узбекской культуре	205
50. С.А.УСМОНОВА	
Қўқон мадрасалари номлари.	208

51. I.YAKUBJONOV	Yoshlar ma'naviy kamolotida milliy yuksalish konsepsiyasini amalga oshirishda jismoniy madaniyatning o'rni.....	211
52. F.IKROMOVA	The use of idioms by intermediate level students to enrich the spoken language in english.....	214
53. R.I.NAZAROV	Teaching english using video materials.....	218
54. M.A.ҲОЖИЕВА	Таълимда лингвистик компетентлик.....	222
55. S.T.SODIQOVA, S.RAPIQJONOVA	Bo'lajak pedagoglarda universal kompetensiyalarni rivojlantirishning xususiyatlari.....	225
56. N.A.MAMATOVA	The role of linguocultural approach in foreign language teaching.....	228
57. У.АХМЕДОВ. Ш.ИРМАТОВ	Физические упражнения и спорт необходимы для организма человека.....	230
58. А.А.ПАРМОНОВ	Спорт курашида техник ва тактик тайёргарлик методикаси.....	233
59. Г.Н.ЭРГАШЕВА	Мактабгача таълим ташкилотларида инглиз тилини ўргатишнинг дидактик хусусиятлари.....	236
60. N.S.SAYDAXMEDOVA	Muhammad Yusuf ijodini steam texnologiyasi asosida o'rgatish.....	240
61. Л.С.КОЗЛОВА	Личность ученика как объект и субъект в педагогической технологии.....	243
62. R.I.NAZAROV	Teaching foreign languages at a technical university: problems and their solutions.....	248
63. M.Y.JURAEVA	The role of new innovative pedagogical technologies in the methodology of teaching foreign languages.....	252
64. D.Y.JURAEVA	Technological approach to the level of pedagogical-psychological opportunities to increase the efficiency of education.....	255
65. Д.Ю.ЖУРАЕВА	Биология таълимида Абу Али ибн Сино меросидан фойдаланиш технологияси.....	257

**“МЕҲРОБДАН ЧАЁН” РОМАНИДА ҚЎЛЛАНГАН АРАБИЙ, ФОРСИЙ
КИРИТМАЛАРНИНГ ВАЗИФАСИ ВА УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**ФУНКЦИИ И СТИЛИСТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ АРАБСКИХ И ПЕРСИДСКИХ
ВКРАПЛЕНИЙ, ИСПОЛЪЗУЕМЫХ В РОМАНЕ «МЕҲРОБДАН ЧАЁН»**

**FUNCTIONS AND STYLISTIC FEATURES OF ARABIC AND PERSIAN
INCLINATIONS USED IN THE ROMAN "MEROBDAN CHAYON"**

Н.Улуков-филология фанлари доктори, профессор, Наманган ДУ

Аннотация. Мақолада киритма, киритма сўз ва иборалар терминларининг илмий талқини ва уларнинг қўлланиши, вазифаси каби масалалар Абдулла Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” романи мисолида ёритилган.

Таянч сўзлар: киритма, чет тил киритма сўз ва иборалари, қўлланма сўз, таржима матни, ўз тил матнлари, услубий вазифа, форс-тожикча киритмалар, арабча киритмалар, семантик муқобил.

Аннотация. В статье рассматриваются такие проблемы, как научное толкование терминов иностранного вкрапления, лексические и фразеологические вкрапления, их употребление, функции на примере романа Абдуллы Кадири «Меҳробдан чаён».

Ключевые слова: иностранную вкрапления, лексические и фразеологические вкрапления, переведенный текст, тексты на языке оригинала, стилистическая функция, персидско-таджикские вкрапления, арабские вкрапления, семантический эквивалент.

Annotation. The article discusses the scientific interpretation and application of the terms introduction, introductory words and phrase, and their use in the example of Abdulla Qodiriy's novel “Mehrobdan chayon” (“Scorpion in the Pulpit”)

Key words: introduction, foreign language, introduction and phrases, guide word, translation text, native language text, methodological task, persian- tajik introductions, Arabic inscriptions, semantic equivalent.

Тилшуносликка оид илмий адабиётларда *киритмалар*, *киритма сўз ва иборалар* каби терминлар қўлланади. Мазкур бирликлар шаклан ва маъно жиҳатдан айнан бир терминга ўхшаб кўринса-да, бошқа-бошқа терминлардир[1.93-94; 2.196-197].

Услубиятга оид адабиётларда нутқ жараёнида айтилаётган фикрнинг

тингловчига тўла етиб бориши учун гап мазмунига ёки унинг айрим бўлаклари маъносига оид қўшимча изоҳ, маълумотлар бериш, тушунарсиз ва тушунилиши қийин сўзлар (диалектизм, профессионализм, термин, жаргон, архаизм, историзм кабилар) маъносини, айрим лексик бирликларнинг талаффузи ёки этимологиясини изоҳлаш,

носабатини ифодалаш, хабар манбаини кўрсатиш, қўшимча маълумотлар бериш учун хизмат қилувчи айрим бўлак, бирикма ва гаплар **киритмалар** деб кўрсатилади [2.196].

Илмий манбаларда ўзбек тилида учрайдиган чет тилларга мансуб сўзлар куйидаги гуруҳларга ажратилади:

1. Ўзлашма сўзлар.
2. Қўлланма сўзлар.

Қўлланма сўзлар генетик жиҳатдан бошқа тилники бўлгани ҳолда, турли сабаб ва мақсадлар натижасида ўзга тил матнларида учрайдиган бирликлардир [1.88].

Қўлланма сўзлар коммуникатив ва услубий вазифасига кўра икки турга бўлинади:

1. Экзотик лексика ёки экзотизмлар. 2. Киритма сўз ва иборалар.

Қўлланма сўзларнинг ҳар икки типи ўзига хос коммуникатив ва семантик, услубий хусусиятларга эга бўлиб, матнда маълум вазифаларни бажаради.

Илмий адабиётларда *чет тили киритмалари* терминининг қуйидагича изоҳи кузатилади: “Қўлланмаларнинг бир тури киритма сўз ва киритма иборалар(иностранныю крепления)дир. Киритма сўз ва иборалар ҳам асосан таржима адабиётида учрайди” [2.196].

Кўринадики, *киритмалар, киритма сўз ва иборалар* деб аталаётган бирликлар бир хил номланаётган бўлса-да, вазифаси, моҳияти, қўлланиши ва услубий хусусиятига кўра фарқланувчи икки хил бирликлардир.

Эътиборни адабиётлардаги чет тил киритма сўз ва ибораларга доир бошқа изоҳларга қаратсак, қайд этилишича, улар ўзбекча матнларда ўзи мансуб тил имлосида ва кўпроқ ўзбекча имлода берилиши мумкин. Киритма бирикмалар аслида таржима тилида муқобилининг мавжудлиги билан характерланади. Аслида киритмаларни таржима қилиш мумкин, аммо таржима матнида маълум шахсларга хос индивидуал хусусиятларни саклаб қолиш нуқтаи назаридан улар таржима қилинмайди [1.88]. Демак, юқоридаги талқинларга асосланадиган бўлсак, чет тил киритма сўз ва иборалари таржима асарларида учрайди, бироқ бизнинг кузатишларимизга кўра, чет тил киритма сўз ва иборалари ўз тил матнларида, хусусан, ўзбекча насрий асарларда ҳам учрайди. Фикрмизни асослаш учун Абдулла Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” романидаги хорижий киритмаларни кўриб чиқамиз.

Асардаги киритмалар араб ва форс тилларига мансуб бўлиб, улар ўзбек крилл ёзувида, ўзи мансуб тилда берилган ҳамда сатр остида ўзбек тилида изоҳланган, ўзбекча муқобиллари берилган. Асарда киритмалар, асосан, уламолар, Солиҳ маҳдум, Шаҳодат муфти ва бошқалар нутқида

қўлланган. Масалан, “**Ба назди мужтаҳидини киром асли эътибор ақди шаръийдир.** Отангиз марҳум – никоҳланаман деб айткан бўлсалар ҳам нокоҳландим, деб айтмаганлар. Бас, амирал мўъминин мазкурани **худ нафсларига ақди шаърий** қилсалар жоиз ва дурустдир. “**Валлоҳи аълам биссаवоб**”, деб фатвономани “**бинни муфти марҳум**”, “**бинни муддарис марҳум**”, “**бинни Хўқандий марҳум**” – муҳри баҳайбатлари билан қалашдириб берадирлар ва Мадалихон тўй ва томошалар билан мурод-мақсадига етадир... [3.9-10].

Уламолар нутқида қўлланган киритмалар қуйидаги маъноларни англатади: **Ба назди мужтаҳидини киром асли эътибор ақди шаръийдир** – *ҳурматга лойиқ дин алломаларининг назарича, асосий эътибор шарият қонунларига қаратилиши керак.*

Худ нафсида – *ўз нафсида.*

Ақди шаърий – *шаърий никоҳ.*

Ёки: – *Ана холос. Аз карнайчи як куф [3.9-160].*

Бу ўринда ўзбек тилида ҳам мавжуд “*Карнайчидан бир пуф*” иборасининг форсча муқобили Солиҳ маҳдумнинг Анвар билан суҳбатида уни Абдурахмон домлани саройга ишга олишга кўндириш мақсадида қўлланган.

Ёки: *Хотин кишининг чархи билан ўчоғига тегма деган гап тўғри эмиш... Албатта, сен хотин киши эмассан-ку, бироқ, “куллу шайъин яржиъу ила аслиҳи”. Сабзини майда тўғрайми, йирик? Бир бор эмиш, бир йўқ эмиш, ўткан замонда бир қиз бор эмиш: кўзига тутун кириб юм-юм йиғлаган эмиш. Сабабини сўрасалар, ўтун ҳўл эмиш, аммо қизнинг аччиғи хийли мўл эмиш... Тесқари қараб кулма, ҳой қиз! Ўҳ, латта келтир, қўлимни кестим! [3.200]*

“*Куллу шайъин яржиъу ила аслиҳи*”, яъни “*Ҳар бир нарса аслига қайтади*” ибораси Анвар нутқида унинг билимдонлиги, зукколиги ифодаси сифатида қўлланган.

Киритма сўз, ибора ва гаплар ўз тил матнларида, хусусан, бадий матнларда, асосан, тарихий насрий асарларда кузатилади ва дин пешволари, сарой амалдорлари, мактабдор, мадраса илмини кўрган кишилар нутқида бошқалардан ўзларини ажратиб кўрсатиш, билимдонликларини кўз-кўз қилиш мақсадида қўлланади:

Нигор ойим кулимсиб Анварга қаради:

– *Гўшт кўб бўлса ош ўхшаладир.*

– *Хайрул-умури авсатуҳо, Нигор* [3.156].

Солиҳ маҳдум нутқида унинг ўзига хос характерини, диний билимга эга эканлигини ифодалаш учун қўлланган **“Хайрул-умури авсатуҳо”** киритмаси **“Ҳар ишнинг ўртаси яхшидир”** маъносини англатади.

Киритмалар айрим тимсолларнинг бошқа кишилар устидан масҳара қилиб қулишлари, уларга салбий муносабатлари ифодаси сифатида қўлланиб, сўзловчи тимсол бадий тасвирига хос салбий талқин тавсифларни тўлдиришдек услубий вазифа ҳам бажаради. Масалан, *Анварнинг бирарта камбағал билан “ёзилишиб” ўлтурганини кўрса, ичидан аччиғ-ланиб “куллушайъин яржиу ило аслиҳи...” паст ҳамиша пастлигини қиладир...* Сут билан кирган – жон билан чиқар, мақоли кўп тўғри сўз, деб ўйлар ва энсаси қотиб, четка кетар эди [3.99].

Бу ўринда қўлланган киритмалар Солиҳ маҳдумнинг салбий хулқ-атворини янада тўлдиради, унинг характеридаги “қора ранглар”ни янада қуюқлаштирган.

Ёки: *Шундай фурсатларда “аламзада” муфтилар ҳам бирар латифа сўзлашқа тутунар, аксар, латифа мазмунини бир тарафка буриб юритар эдилар. Баъзан Шаҳодат муфти ишдан чарчаган каби оҳ тортиб, ўзича “мутуласаду фил-ғабоби жуъан ва лаҳмут-тайри*

ютраҳу лилкило”, деса, *иккинчи ёқдан Калоншоҳ мирзо шу мақолнинг давомини сўзлаб “ва хинзиру яному филфирош ва улул-қули яному алат-туроб”*, дерди. *Мулла Абдурахмон уларнинг кинояси мазмунига тушунибми ёки тушун-масданми – ҳарҳолда бир илжайиб кўяр эди* [3.174].

Мутуласаду филғабоби жуъан ва лаҳмут-тайри ютраҳу лилкило – Арслон чангалзорда очлиқдан жон берадир, аммо итни қуш гўшти билан боқадирлар.

Ва хинзиру яному филфирош ва улул-қули яному алат-туроб – Тўнғуз ҳузур қилиб тўшақда ухлайдир, оқиллар тупроқда ётадирлар.

Таҳлиллардан кўринадики, бир хил номланаётган, гарчи баъзи ўринларда *киритмалар ва чет тил киритмалари* терминлари деб фарқланаётган бўлса-да, юқоридаги бирликлар моҳияти, қўлланиши, вазифаси жиҳатидан фарқланувчи бирликлардир. Бизнингча, гап мазмунига ёки унинг айрим бўлақлари маъносига оид қўшимча изоҳ, маълумотлар бериш, тушунарсиз ва тушунилиши қийин сўзлар маъносини, айрим лексик бирликларнинг талаффузи ёки этимологиясини изоҳлаш, сўзловчининг субъектив-эмоционал муносабатини ифодалаш, хабар манбаини кўрсатиш, қўшимча маълумотлар бериш учун хизмат қилувчи айрим бўлак, бирикма, гапларга нисбатан изоҳловчи бирликлар терминини қўллаш мақсадга мувофиқ.

Киритмаларларга келсак, улар хорижий тилларга мансублиги нуқтаи назаридан умумийлик касб этса-да, таржима ва ўз тил матнларида қўлланиши ҳам бу ўринда услубий вазифаси жиҳатидан фарқланишини эътиборга олган ҳолда, киритмалар терминининг таърифини кенгайтириш, тўлдириш ҳамда қўлланишига кўра таржима матнларига хос киритмалар, ўз тил матнларига хос киритмаларга ажратиш тўғрироқ бўлади.

Фойдаланилган
адабиётлар:

1. Жамоа. Ўзбек тили лексикологияси. – Тошкент: Фан, 1981.
2. Шомақсудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Ҳ. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент: Фан, 1983.
3. Абдулла Қодирий. Меҳробдан чаён. – Тошкент: Шарқ, 2015.